

ISSN 2091-5780

ILMIY XABARNOMA

НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК

№1/2016

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

**ИЛМИЙ ХАБАРНОМА
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК**

Журнал бир йилда
тўрт марта чоп этилади

Андижон вилояти Матбуот
ва ахборот бошқармаси
томонидан 2009 йил
7 апрелда 04-039 рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Х.Қуронов

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика ва кимё
фанлари бўйича Олий
Аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари
юзасидан илмий мақолалар
эълон қилиниши лозим бўлган
нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат
этилди: 17.03.2016.
Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{8}$.
Босма табағи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 630 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:25

Муқова дизайни ва
оригинал-макет
«Akademnashr NMM» МЧЖ
томонидан тайёрланган.

«Akademnashr NMM» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
20^А-мавзе 42-уй.

Таҳрир ҳайъати раиси:

А.С.Юлдашев, биология фанлари доктори, профессор

Илмий маслаҳатчи:

С.С.Фуломов, ЎзФА академиги

Таҳрир ҳайъати:**Аниқ ва табиий фанлар:**

Ғ.Мўминов, физика-математика фанлари доктори
А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор
М.Тўхтасинов, физика-математика фанлари доктори
А.Т.Мамадалимов, физика-математика фанлари доктори, профессор
С.З.Зайнобидинов, физика-математика фанлари доктори, профессор
И.Н.Каримов, физика-математика фанлари доктори, профессор
Р.Я.Расулов, физика-математика фанлари доктори, профессор
Р.У.Алиев, техника фанлари доктори, профессор
И.Р.Асқаров, кимё фанлари доктори, профессор
Н.Мадионов, кимё фанлари доктори, профессор
И.Абдуғафуров, кимё фанлари доктори
М.Х.Аҳмедов, биология фанлари доктори, профессор
Л.М.Саидбоева, биология фанлари доктори, профессор
Қ.Т.Тожибоев, биология фанлари доктори, профессор

Ижтимоий-гуманитар фанлар:

А.Бегматов, фалсафа фанлари доктори, профессор
Т.Ортиқов, фалсафа фанлари доктори, профессор
В.А.Алимасов, фалсафа фанлари доктори, профессор
Р.Рўзиёв, юридик фанлари доктори, профессор
Й.Рахимов, юридик фанлари доктори, профессор
М.Қирғизбоев, сиёсий фанлар доктори, профессор
И.Эргашев, сиёсий фанлар доктори, профессор
К.Юнусов, сиёсий фанлар доктори
И.А.Алимов, тарих фанлари доктори, профессор
Р.Т.Шамсутдинов, тарих фанлари доктори, профессор
Қ.Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор
У.Абдуллаев, тарих фанлари доктори
А.Сотволдиев, иқтисод фанлари доктори, профессор
Қ.Х.Муфтайдинов, иқтисод фанлари доктори, профессор
М.Болтабоев, иқтисод фанлари доктори
А.А.Қаюмов, география фанлари доктори, профессор
А.Нигматов, география фанлари доктори, профессор
Ю.И.Аҳмадалиев, география фанлари доктори
А.Н.Нурмонов, филология фанлари доктори, профессор
А.Ш.Собиров, филология фанлари доктори
Ғ.М.Ҳошимов, филология фанлари доктори, профессор
С.Р.Мирзаева, филология фанлари доктори, профессор
Й.Солижонов, филология фанлари доктори, профессор
Т.Х.Ҳасанов, педагогика фанлари доктори, профессор
Ш.Ж.Юсупова, педагогика фанлари доктори
Н.Ш.Эркабоева, педагогика фанлари доктори
Н.С.Сафоев, психология фанлари доктори, профессор
Ш.Р.Баратов, психология фанлари доктори, профессор

Мухаррир:

Д.Х.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

Таҳририят манзили:

170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.

Телефон: (+99891) 160-20-43. **Факс:** (374) 223-88-30. **Расмий сайт:** www.ilmixabaroma.uz

аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.М.КАСИМОВ

От механики Й.Намбу к алгебрам В.Т.Филиппова 5

S.X.AKBAROVA, N.B.MAMADALIYEVA

Aralash tipdagi buziluvchan parabolik tenglama uchun nolokal chegaraviy masala 7

ФИЗИКА. ТЕХНИКА

И.Н.КАРИМОВ, Д.Х.ҚАМБАРОВ, В.Р.РАСУЛОВ, А.У.МИРЗАРАҲИМОВ

Изоляцияланган ўлчамли квантлашган носимметрик ярим ўтказгичли наноструктурада электронли ҳолатлар 10

M.NOSIROV, L. MADUMAROVA

About the typology of diffusion 13

ХИМИЯ

О'. О.МАМАТҚУЛОВА, N. X. ТО'ХТАБОЙЕВ

Alkanlarning reaksiya qobiliyatlarini o'rganish va ulardan amaliyotda foydalanish istiqbollari 16

U.M.HALIMOV, SH.M.QIRG'IZOV

Aminometillash reaksiyasi atsetilen qatori uglevodorodlari misolida 18

БИОЛОГИЯ

Н.М.НАРАЛИЕВА, Т.А.МАДУМАРОВ, М.Ш.ҚОСИМОВ, Ф.М.МАДАМИНОВ

Фарғона водийси шароитида биохилмахилликини сақлаб қолишнинг асосий муаммолари 21

Н.М.ИСАКОВА, Н.М.НАРАЛИЕВА

Экологические особенности некоторых интродуцированных растений в условиях Андижанской области 24

ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ҲУҚУҚ

М.МАМАТОВ

Ибн Арабийга илҳом бағишлаган ғоялар соҳиби 26

R.R. ZAMILOVA

Heroism in the structure of social activity 29

К.А. ЮНУСОВ

Социогравитация: моҳияти ва амал қилиш хусусиятлари 33

М.М.ТЕШАБОВ

Ахлоқий маданият тузилмаси ва моделлари 37

Т.А.АМЕТОВ

Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни 40

М. МУҲАММАДСИДИҚОВ

Шимолий Африка минтақавий хавфсизлигини таъминлаш муаммолари 43

И.ТАИРОВ

Духовное обновление и возрождение религиозных ценностей как фактор цивилизационного процесса 46

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ ТУЗИЛМАСИ ВА МОДЕЛЛАРИ

М.М.Тешабоев

Мақола ахлоқий маданият тузилмаси ва моделлари, уни ташкил этувчи элементлар, шакллари, омиллари ва йўллари, жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифаларини ёритишга бағишланган.

Калим сўзлар: ахлоқий маданият, шахс ахлоқий маданияти, жамият ахлоқий маданияти, универсал ахлоқий маданият, гедонистик ахлоқий маданият, прагматик ахлоқий маданият

Статья посвящена рассмотрению структуры и моделей, составляющих элементов, средств и путей формирования нравственной культуры, её места в жизни общества.

Ключевые слова: нравственная культура, нравственная культура личности, нравственная культура общества, универсальная нравственная культура, гедонистическая нравственная культура, прагматическая нравственная культура.

Article is devoted to description of structure and the models, their component parts, means and ways of formation of moral culture, its place in social life.

Keywords: moral culture, moral culture of the person, moral culture of a society, universal moral culture, hedonistic moral culture, pragmatic moral culture.

Ахлоқий маданият мураккаб тузилишга эга. У муайян билимлар ва уларнинг ҳаётга татбиқи, келажакка қаратилган ғоя ва мақсадлар ҳамда уларга эришилиш даражаси, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари ва улардан қай даражада фойдаланилиши, диний тасаввурлар, қадриятлар ва уларга амал қилиниши, келажакка ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмлардан иборат. Буларнинг ичида эътиқод муҳим аҳамият касб этади. У ахлоқий маданият мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. Эътиқод инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилигига, орзу-умидларининг асосли эканига, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади. У инсоннинг ҳиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкорликка, самарали фаолиятга ундайди.

Ахлоқий маданият қуйидагича тузилмаларга эга:

а) жамият субъектлари ахлоқий онгининг белгилари ва элементлари;

б) хулқ-атвор ва мулоқот маданияти;

в) ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва фаолият.

Булардан маълум бўладики, бир томондан, ахлоқий маданият маданиятнинг жамият моддий ва маънавий ҳаётига оид бошқа турлари билан мувофиқ келади, бошқа томондан эса, у жамиятдаги иллатлар – ёмонлик, тенгсизлик, виждонсизлик, номуссизлик, ғурурсизлик каби бошқа ахлоққа қарши ҳодисаларга зиддир.

Ахлоқий маданият жамият ахлоқий онги ва дунёқарашининг ривожланганлик даражасини, "ахлоқи ясама" ва "ахлоқи ҳақиқий"нинг бирлиги-

ни; хулқ-атвор, мулоқот ва фаолият тизимида яхшилик, ор-номус, виждон, бурч, ғурур, севги, биргаликдаги ишлаш ва ҳоказолар меъёрларининг намоён бўлишини; ҳаёт фаолиятини инсонпарварлик, демократия, меҳнатсеварлик, ижтимоий тенглик, эгоизм ва альтруизмни оқилона мувофиқлаштириш, тинчликсеварлик тамойиллари асосида йўлга қўйишни ифода этади.

Ахлоқий маданиятнинг ўзига хос шакли ҳисобланган субъект ахлоқий маданияти жамият ахлоқининг ҳосилавий ва субъективлашган инъикосидир. Унинг айрим кўринишларида одоб ва ахлоқ айнанлаштирилади, тушунчалар эса синонимлар сифатида қўлланилади. Махсус тадқиқотларда одоб ўхшатиш, буюрилган императивлар йиғиндиси сифатида тушунилади. Ахлоқ эса қандай бўлса шундайлигича мавжуд бўлган чинакам, ҳақиқий, амалий нарса сифатида баҳоланади. Ушбу маънода, одоб ва ахлоқ ўртасидаги фарқ ахлоқий (амалий) маданиятнинг қатъий белгиси – "ахлоқи ясама" ва "ахлоқи ҳақиқий", яъни сўз ва амал бирлигини акс эттиради.

Ҳозирги замон сайёравий жамияти ўзининг етуклик даражаси, ташувчилари ва мазмунига кўра турли-туман ахлоқий маданият шакллари билан ажралиб туради. Жамият ахлоқий маданияти индивидларнинг ҳар бирида конкрет ва ўз шахсига хос тарзда намоён бўладиган ахлоқий маданиятлар йиғиндисидир. У ахлоқий онг, маънавий дунёқараш, ахлоқий сифатларнинг ривожланганлик даражасини ифодалайди, шунингдек, уларнинг шахс хулқ-атворида, ўзини ўзи бошқаришида, мулоқотида ва фаолиятида тўла-тўқис ҳамда изчил намоён бўлишини кўзда тутади.

Шахс ахлоқий маданияти қуйидагича тузилмага эга:

а) ахлоқий онгининг ривожланганлиги (яхшилик, ор-номус, бурч ва бошқалар ҳақидаги ахлоқий билимлар; ахлоқий ҳис-туйғу ва кечинмалар, ахлоқий ирода, ахлоқий қадриятлар);

б) ахлоқий дунёқарашнинг юқорилиги (ахлоқий идеаллар, тамойиллар ва меъёрлар, қадриятларга йўналганлик, ахлоқий эҳтиёжлар, маслак ва эътиқодлар);

в) ахлоқий сифатларнинг мукамаллиги (инсонпарварлик, кишиларга самимият ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳамдардлик, хайрихоҳлик, адолатлилик, виждонлилик, яхшиликка интилиш, тўғрилиқ, ҳалоллик, эътиборлилик, бурч ва масъулиятни сезиш ва тушуниш ва ҳ.к.);

г) ахлоқий сифатларни юзага чиқариш, ахлоқ тамойиллари ва меъёрларига риоя қилиш.

Шахс ахлоқий маданияти мазмунан гуруҳ ёки жамият ахлоқий маданиятига тўғри келади. Лекин улардан ўзининг субъектив фикрлаши ва ифодаланиши, муайян ахлоқий қадриятларни устувор қўйиши ва уларга йўналганлиги билан фарқланади. Масалан, ахлоқнинг "олтин қоидаси" шундай маслаҳат беради: «кишилар сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, сен ҳам бошқаларга худди шундай муносабатда бўл». Буни бошқача шаклларда ҳам ифодалаш мумкин. Ушбу "қоида"ни ҳар бир инсон ўзича талқин қилади. Бири уни фақат оилавий муносабатларга, бошқаси – норасмий шахслараро муносабатларга, учинчиси эса – хизмат юзасидан муносабатларга нисбатан қўллайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунга қарамай, мазкур қоида-меъёр ҳеч қачон ўз мазмуни ва аҳамиятини йўқотмайди, ҳамма учун тушунарли ва зарур талабдигича қолади.

Кўплаб одамлар ё салбий йўлга кирган фаворитлар таъсирига чалиниб ёки бошига катта муҳтожлик ва ноҳақлик тушган вазиятларда ноиложликдан ана шундай ноқобил, ахлоқсиз ишларга қўл урадилар.

Ҳаётда мулоқотнинг ташқи томонини муҳим деб билиб, ташқи қиёфани сайқаллашни мақсад қилиб қўядиган айрим одамларни ҳам учратиш мумкин. Уларнинг бу мақсадлари аслида худбин ва ғаразли мақсадларга эришиш учун ниқоб бўлиб хизмат қилади. Бундай хулқ-атвор турларига иккиюзламачилик, мунофиқлик, тилёғламачилик ва бошқалар киради. Мулоқот маданияти ички ва ташқи маданиятга бўлинади. Ички маданият – бу ахлоқий идеаллар ва қоидалар, хулқ-атвор меъёрлари ва тамойиллари бўлиб, шахс маънавий қиёфасининг пойдевори ҳисобланади. Булар шундай асосларки, уларга таяниб инсон ижтимоий ҳа-

ётнинг барча соҳаларида бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларга киришади.

Мулоқот жараёнидаги ахлоқий маданият қатор зарур элементларни ўз ичига олади, булар:

- мулоқот мақсадини белгилаш;
- шерикни танлаш;
- туртки берадиган мотивлар ва кайфият;
- мулоқот шакллари ва усуллари;
- якуний натижалар ва уларга баҳо бериш.

Шахс ички маданияти мулоқотнинг ташқи маданиятини шакллантиришда етакчи, белгиловчи ролни ўйнайди, унда намоён бўлади. Намоён бўлиш усуллари турли-туман бўлиши мумкин, масалан: бошқа одамлар билан саломлашиш, муҳим ахборотлар билан алмашиш, турли шакллардаги ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, дўстлик, севги ришталари билан боғланиш ва ш.к.

Ички маданият инсоннинг ўзини тутишида, хатти-ҳаракатларида, шеригига мурожаат қилиш услубида, ўзгаларнинг маломатида қолмайдиган кийиниш ва ясаниш қобилиятида юзага чиқади. Ички ва ташқи маданият доимо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради ва биргаликда мавжуд бўлади. Бироқ улар ҳамма вақт ҳам мувофиқ келавермайди. Шундай одамлар борки, уларнинг бировга қўшилмаслик, одамовилик табиатининг орқасида сизнинг илтимосингизга жавоб беришга тайёр, агар керак бўлса, қўлидан келган ёрдамни аямайдиган маънавий бой шахс яширинган бўлади.

Айни пайтда, жамиятда сирти ялтироқ, асли эса нотавон, ярамас ва маънан қашшоқ одамлар ҳам учрайди. Умуман олганда, ахлоқий маданиятнинг шаклланиш ва намоён бўлиш хусусиятлари, кўп жиҳатдан, ахлоқнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Ахлоқ сингари, ахлоқий маданият ҳам алоҳида индивидларда ўз-ўзидан, тартибсиз ҳолда ҳам, мақсадга мувофиқ, мақсадга йўналтирилган ҳолда ҳам шаклланади ва юзага чиқади. У кишилар ҳаёт фаолиятининг барча соҳалари ва томонларини қамраб олади, ижтимоий ишларни самарали бошқаради.

Ахлоқий маданиятнинг кадр-қиммати ва аҳамияти, худди ахлоқ каби, кишиларнинг хулқ-атвори, мулоқоти ва фаолиятида, ошкора дунёқарашда, шахсий ўртак кўрсатишида юзага чиқади. Ахлоқий маданият тушунчасининг мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан тўғри англаш, унинг жамият маданий тараққиёти ва шахс маънавий дунёсини шакллантиришдаги салмоқли ўрни бунга зарур асос бўла олади.

Ахлоқий маданиятнинг шаклланишида ақл-идрок, тафаккур ва ҳис-туйғу ҳам муҳим ўрин тутиши табиий. Бу жараён кишиларнинг ҳиссий кечинма

ва кайфиятларига ҳам боғлиқ, чунки инсон кайфиятида унинг ҳаёт шароитлари, ижтимоий аҳволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий тақдири, ёши ва ҳоказолар акс этади. Ахлоқий маданиятда замон руҳи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, бугунги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати истиқлол дунёқарашини шакллантиришга улкан таъсир кўрсатмоқда.

Умуман олганда, жамиятда истеъмол молларининг яшаш эҳтиёжларига нисбатан ортиқча ишлаб чиқарилиши гедонистик ахлоқий маданиятнинг қарор топишига субъектив шарт-шароит яратади. Бу ҳол жамият аъзоларининг муайян қисмига моддий неъматларни ишлаб чиқаришда қатнашмаслик ва ўз фаолиятини дунёни билиш ҳамда инсонни маънавий бойитиш соҳасига йўналтиришга имкон беради. Индивидларнинг атроф-муҳит воқелигини билиш ва уни маънавий жиҳатдан яхшилашга туғма қобилият ҳамда эҳтиёжларининг борлиги гедонистик ахлоқий маданиятни шакллантирувчи субъектив омил бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи модель эса прагматик ахлоқий маданият бўлиб, у жамиятда ташкилий-тадбиркорлик фаолият усулнинг шаклланиши баробарида пайдо бўлади. Прагматик ахлоқий маданият бозор иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида индивидларнинг тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли амалга оширишлари учун энг самарали ахлоқий маданият тури ҳисобланади. Прагматик ахлоқий маданият универсал ахлоқий маданият-

нинг прагматик маданий гуруҳ томонидан талқин этилишидир. Бу турдаги ахлоқий маданият, тарихан, товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қодир бўлган индивидларнинг фаолияти натижасидир. Мазкур маданиятга прагматизм, ижодий фаоллик, уддабуронлик ва ташаббускорлик, аниқ ҳисоб-китоб, ўз қобилиятларидан имкон қадар юқори фойдаланиш, ҳамкорлик ва мурося қилишга тайёрлик тамойиллари хосдир.

Хуллас, ахлоқий маданият таркибида ҳиссиёт ва ақл муҳим ўрин тутати. Ҳиссиёт ахлоқий маданиятнинг эмоционал-руҳий жиҳати бўлиб, дунёни тушуниш дунёқарашнинг ақлий шаклидир. Ҳиссиёт – қувонч, шодлик, завқланиш, ҳаёт ва касб-кордан мамнунлик ёки норозилик, ҳайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлғизлик, заифлик, руҳий тушкунлик, ғам-ғусса, надомат, ўз яқинлари ва ватани тақдирини ўйлаш каби хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Саналганларнинг уйғунлиги дунёни ҳис этишга олиб келади. Дунёни ҳис қилиш эса уни англашга, муайян ахлоқий маданиятнинг шаклланишига асос бўлади.

Ҳар бир кишига хос ҳиссиёт ва фикр, билим ва эътиқод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва қадриятлар ахлоқий маданият таркибида яхлитлашади ва оламни бир бутун ҳолда акс эттиради. Бир бутун, яхлит ахлоқий маданиятнинг шаклланиши болаликдан бошланиб, инсон ҳаётининг охиригача давом этади. Бу ҳолат индивидуал дунёқарашнинг асосий тамойилларидан бирини ифодалайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.- 111 б.
2. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. – 221 б.
3. Ахелис Т. Этика. История этики и критика ее систем. Явления нравственности. Принципы нравственности. – М.: Либроком, 2011. – 112 с.
4. Эбер М. Прагматизм: Исследование его различных форм: англо-американских, французских, итальянских и его религиозного значения. Пер.с фр. Предисл. А.И. Введенского.- М.: ЛКИ, 2010.-144 с.

ТАТУ Фарғона филиали,
2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ф.Турғунбоев)